

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Г.В. ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ**

ТАИРОВ САНЖАР ОКТАМОВИЧ

**ИНСОН КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОЗОРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ**

08.00.10 - Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Таиров Санжар Октамович

Инсон капиталини шакллантириш ва унинг Ўзбекистон меҳнат бозорини
такомиллаштиришдаги роли..... 3

Таиров Санжар Октамович

Формирование человеческого капитала и его роль в совершенствовании
рынка труда Узбекистана..... 29

Tairov Sanjar Oktamovich

Formation of human capital and its role in improving labor market of
Uzbekistan..... 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 58

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Г.В. ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ**

ТАИРОВ САНЖАР ОКТАМОВИЧ

**ИНСОН КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОЗОРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ**

08.00.10 - Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/lqt266 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Г.В. Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиалида бажарилган.

Диссертация иши автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сайтида (www.reu.uz) ва "ZiyoNet" (www.ziyo.net.uz) Ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Зокирова Нодира Каландаровна**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мамадалиева Хафизахон Холдаровна**
иқтисодиёт фанлари доктори

Алижонов Уткиржон Махамадалиевич
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси 2020 йил "31" 10 да соат 10:00 да Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиали қошидаги илмий даражалар бериш бўйича DSc.22/30.12.2019.I.100.01 Илмий кенгаши йиғилишида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60, E-mail: info@reu.uz.

Диссертация иши билан Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60, E-mail: info@reu.uz.

Диссертация иши автореферати 2020 йил "12" 10 куни тарқатилди.
(2020 йил "12" 10 даги 4 - рақамли реестр баённомаси.)



К.Х. Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

З.Г. Шакаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.Я. Худойбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиёти ривожланиш тенденциясининг кўрсатишича, тараққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида билим, маҳорат, малака, ўқишнинг давом эттиришга бўлган қобилият ва эҳтиёж алоҳида аҳамият касб этмоқда. Халқаро рейтинг агентликларининг маълумотиغا кўра, 2035 йилгача бўлган даврда замонавий глобал меҳнат бозори қуйидаги хусусиятларни касб этади. “Глобал меҳнат бозори автоматлаштириш ва мақбуллаштиришдан иборат бўлиб, ишчи кучининг бўшаб қолишига олиб келади”. 2025 йилга келиб роботлаштириш билан боғлиқ иш жойларининг қисқариши 10-30 фоизни ташкил этади; қишлоқ жойлари ва кичик шаҳарлар хавф гуруҳига киради; HR функцияси ҳам ўзгаради; улар ҳам автоматлаштирилади; фрилансерлар “ишчи кучининг 50 фоизини ташкил этиб, глобал бандликнинг 44 фоизи уларнинг улушига тўғри келади”¹. Бу эса, ўз навбатида, инсон капитални ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг асосий омили сифатида юзага чиқиши шарт эканлигини кўрсатмоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда миллий бойликдаги инсон капитални улуши 80 фоизгачани ташкил этади. Шундан жихатдан, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида инсон капитални ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда инсон камолоти индекси динамикаси ва глобал даражадаги прогноз маълумотларининг қиёсий таҳлили меҳнат бозори билан ўзаро боғлиқ ҳолда инсон капитални ривожлантиришга оид тадқиқотларни кенг амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда. Бу борада инсон ресурсларини бошқаришнинг миллий стратегияларини асослаш, рақамли иқтисодиёт шароитида мотивация хусусиятларини очиб бериш, персонал билан ишлашни мақсадли ташкил қилиш ва инсон капитални ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш каби йўналишдаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва турмуш сифатини ошириш, инсон капитални ривожлантириш каби масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги ва турмуш сифати, инсон капитални ривожлантириш таълим тизимининг ривожланиш даражаси, сифати ва рақобатбардошлигига тўғридан-тўғри боғлиқ. “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. ... Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради”². Шундан келиб чиққан ҳолда инсон капитални ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш, инновацион иқтисодиёт ва рақамли технологияларни ривожлантириш шароитида инсон

¹ The Future of Jobs 2018. – URL: <http://reports.weforum.org/future-of-jobs-2018/>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 25.01.2020 й. – URL: <http://uza.uz/ru/poli-tics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>

капиталини ривожлантиришни тартибга солувчи иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида инсон капиталини ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини асослаш каби йўналишларда тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ–5975-сон “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 3 апрелдаги ПФ–5978-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2020 йил 18 майдаги ПФ–5996-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, бу соҳага тааллуқли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ж.Б. Сэй, Д. Ст. Милль, Ф. Лист, Л. Вальрас, И. Фишер, Ж. Маккуллох, Н. Сениор, Т. Шульц, Э. Денисон, Ж. Кендрик, Г. Беккер ва доктор Э. Денисона, Т. Шульца, Г. Беккера, Махбуб ал-Хака, Амарти Сен, Ж. Минцер, Э. Долан, Ж. Линдсей, К. Гриффин, М. Алле, Т. Сакайя¹ каби хорижий олимлар ўз асарларида инсон капитали назариясининг концептуал асосларини яратдилар.

Ю.Г. Одегова, Г.Г. Руденко, А.М. Асалиев, И.А. Ковалевич, И. Гарафиев² ва бошқаларнинг фундаментал асарлари инсон капитали категорияларининг назарий масалаларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда унинг пайдо бўлишига бағишланган.

Ўзбекистон иқтисодиёти янги технологик даражага чиқиши учун инсон капиталини ривожлантириш ўта долзарб аҳамият касб этиши туфайли академик К.Х. Абдурахманов, Б. Исламов, Б.Х. Умурзаков, Н.К. Зокирова,

¹ Sen A. Idea of Justice. Cambridge. MA: Harvard University Press. 2009. Schultz T.W. Investing in People: The Economics of Population Quality. Berkeley, Calif.: University of California Press, 1981. p. 149-166. Becker G.S. Human Capital: a Theoretical and Empirical Analysis. – N.Y.: Columbia Univ. Press, 1964. Сакайя Т. Стоимость, создаваемая знаниями, или История будущего / Т. Сакайя // Новая индустриальная волна на Западе: Антология / под ред. В.Л. Иноземцева. М.: Academia, 1999. – С. 337-371

² Одегов Ю.Г. Экономика труда: учебник и практикум для вузов / Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденко. - 3-е изд., перераб. и доп. - Москва: Издательство «Юрайт», 2020. – С. 387. Ковалевич И.А. Человеческий капитал системы образования: учебник. - Красноярск: Сибирский федеральный университет, 2018. - С. 216. Гарафиев И.З. Социальный заказ на инновационный человеческий капитал: монография. - Казань: Казанский национальный исследовательский технологический университет, 2016. – С. 208.

Н.Х.Рахимова, З.Я.Худайбердиев¹ каби етук иқтисодчи олимлар мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб бормокдалар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш республика илмий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №А-2-29 “Меҳнат бозорини самарали ривожлантириш истиқболлари”, №А-1-217 “Ўзбекистон меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф профессионал таркибининг барқарорлигини тартибга солишнинг илмий-методологик асослари” мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиёт ва инсон капиталини ривожлантириш шароитида миллий меҳнат бозорининг тартибга солинишини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инсон капиталини ривожлантиришнинг концептуал асосларини таҳлил қилиш асосида унинг тузилмасининг замонавий сифатларини шакллантириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида уни яратишнинг турлари ва хусусиятларини таснифлаш;

Ўзбекистондаги инсон капитали ва меҳнат бозорини ривожлантиришнинг институционал шарт-шароитларини таҳлил қилиш асосида инсон капиталининг инновацион компонентини шакллантириш, жамлаш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш;

2025 йилгача бўлган даврда демографик омилларнинг инсон капитали ривожини суръатига таъсири прогнозини ишлаб чиқиш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг асосий омили сифатида инсон капиталининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини шакллантириш;

социологик сўров ва ҳудудлар даражасида инсон камолоти таҳлили асосида Ўзбекистонда инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш стратегиясининг йўналишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

меҳнат ресурслари баланси методологиясини такомиллаштириш учун меҳнат бозори динамикасини таҳлил қилишнинг иқтисодий-математик имитацион моделини ишлаб чиқиш;

меҳнат ресурслари баланси асосида меҳнат бозорида инсон капитали ривожини кўрсаткичлари, коэффицентлари ҳамда прогноз кўрсаткичларини текшириш усули тизимини такомиллаштириш;

инсон капиталини ривожлантириш стратегияси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

¹ Абдурахманов К.Х. Экономика труда: Теория и практика: Учебник: - Москва: ФГБОУ ВО «РЭУ имени Г.В. Плеханова», 2019. С. 661. Abdurakhmanov K.H. Zokirova N.K., Islamov B., Hiwatari M. (2016) Systemic transformation and sustainable human development: the Case of Uzbekistan. Jakarta: Gunadarma Publisher, 2016, P. 230. Умурзаков Б.Х. Теоретические и практические аспекты развития сферы малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан. Монография. – Т.: «Iqtisodiyot». 2011. Худойбердиев З.Я. ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: «ILM-ZIYO» 2016.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиши ва иқтисодий рақамлаштириш шароитида миллий меҳнат бозорида инсон капитали, унинг функциялари ва ривожлантириш стратегиялари ташкил этади.

Тадқиқот предмети инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда миллий меҳнат бозорини ривожлантиришда унинг ролини ошириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий ва статистик таҳлил, умумлаштириш ва иқтисодий-математик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат.

«инсон капитали» ва «меҳнат бозори» иқтисодий тушунчалари таърифи миллий иқтисодий тараққиёт талаблари ҳамда рақобатбардош технологиялардан минтақавий ва кўп тармоқли жамоавий фойдаланишни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

инновацион иқтисодий рақамли технологияларни ривожлантириш шароитида инсон капиталини ривожлантиришни тартибга солувчи иқтисодий механизм касбга ўқитишнинг ўқув-методик таъминотини янгилаш, олис туманларни мутахассислар билан таъминлаш, таҳсил олувчи ва иш берувчи ҳамкорлигини ривожлантиришни рағбатлантириш асосида такомиллаштирилган;

инсон капиталини ривожлантиришда олий таълим тизимида илм-фанни “олий таълим-минтақа-эҳтиёж” асосида модернизациялаш ва соҳада инновацион фаолиятни мақсадли лойиҳаларни мақсадли икки ёқлама шакллантириш асосида фаоллаштириш асосланган;

миллий иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида инсон капиталини ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инсон капиталини шакллантириш тенденциялари асосида 2020-2030 йиллар учун меҳнат бозори ривожини ва Ўзбекистон таълим тизимининг бугунги ҳолати прогнози ишлаб чиқилган;

олий таълим тизимини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

янги тармоқ малака талабларига мувофиқ таълим стандартларини қайта кўриб чиқиш асосида кадрларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш тизимларини модернизация қилиш асосида миллий инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг асослангани, расмий манбалар материалларидан, жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг “Инсон камолоти тўғрисида”ги материалларидан

фойдаланилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар амалиётида фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инсон капитали ва унинг меҳнат бозори билан ўзаро алоқадорлигига оид ишлаб чиқилган назарий хулосалар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида инсон капиталини ривожлантириш ва миллий меҳнат бозори самарадорлигини оширишнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти инсон капитали ва унинг меҳнат бозори билан ўзаро алоқадорлигига оид ишлаб чиқилган хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан инсон капитали ва миллий меҳнат бозорини ривожлантириш бўйича дастурлар, олий таълим ва бошқа таълим муассасалари томонидан мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича ҳужжатлар, шунингдек, нормаларини ишлаб чиқиш (такомиллаштириш)да фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инсон капиталини шакллантириш ва унинг Ўзбекистон меҳнат бозорини такомиллаштиришдаги роли бўйича ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялар асосида:

миллий иқтисодий тараққиёт талаблари ҳамда рақобатбардош технологиялардан минтақавий ва кўп тармоқли жамоавий фойдаланишни эътиборга олган ҳолда «инсон капитали» ва «меҳнат бозори» иқтисодий тушунча-ларини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан истиқболли технологиялардан жамоавий фойдаланишнинг минтақавий, кўп тармоқли ва фанлараро марказларини ташкил этишни асослашда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 01/00-04/07-2762-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш истиқболли ва рақобатбардош технологиялардан жамоавий фойдаланишнинг минтақавий, кўп тармоқли ва фанлараро марказларини ташкил этишга кўмаклашган;

инсон капиталини ривожлантиришни тартибга солувчи иқтисодий механизмни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан инновацион иқтисодиёт ва рақамли технологиялар шароитида таълим сифатини ошириш, иш берувчилар билан муносабатларни такомиллаштириш ҳамда стартап ва малака ошириш марказлари ривожланиши бўйича тахлилий маълумотномани тайёрдашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 89-03-654-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлардан фойдаланиш таълим сифатини касбга ўқитишнинг ўқув-методик таъминотини янгилаш, профессор-ўқитувчилар сифат таркибини мустаҳкамлаш, туманларни тегишли мутахассислар билан таъминлаш, малака талабларини такомиллаштириш, технологик йўналишлар бўйича стартаплар ва малака ошириш марказларини ривожланишга хизмат қилган;

инсон капиталини ривожлантиришда олий таълим тизимида илм-фанни модернизациялаш ва соҳада инновацион фаолиятни мақсадли шакллантириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги томонидан олий таълим тизимида инновацион шароитда илм-фанни ривожлантириш бўйича таҳлилий маълумотномани тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 89-03-654-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалда қўлланилиши университет илм-фанини модернизациялаш вазифаларини самарали ҳал қилишга ва олий ўқув юртларининг инновацион фаолиятини фаоллаштириш учун қулай шарт-шароит яратишга кўмаклашган;

инсон капитални 2030 йилгача ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан узок муддатли даврда меҳнат бозорини таълим тизимидаги сифат ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда ривожлантириш бўйича таҳлилий маълумотномани тайёрлашда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 01/00-04/07-2762-сон маълумотномаси). Ушбу прогноз кўрсаткичлари таълим хизматлари соҳасини ривожлантириш асосида меҳнат бозорини самарали ривожлантириш прогноз параметрларини асослашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 6 таси хорижий журналларда ҳамда 8 та тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети, методлари аниқланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янглиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, шунингдек, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инсон капитални шакллантиришнинг назарий жиҳатлари меҳнат бозорини ривожлантириш омили сифатида”** деб номланган биринчи бобда инсон капитални ривожлантиришнинг концептуал асослари таҳлилининг натижалари очиб берилди. Ушбу бобда меҳнат тўғрисидаги фаннинг базавий концепциялари эволюцияси жараёни таҳлил қилиниб, ҳозирги замон иқтисодиётида инсон капитали ва меҳнат бозори намоён бўлишининг асосий принциплари аниқланди ва тизимга солинди. Тадқиқот инсон капитали ва меҳнат бозорини ривожлантириш масалаларига қаратилиб, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасига доир амалдаги материаллар тизимга солинган.

Инсон капитали назарияси масалалари бўйича ўрганилган нашрлар умумлаштирилиб, куйидаги хулосалар шакллантирилди:

- технологиялар ривожланиши билан ҳозирги одамзот тобора кўпроқ жамият камолотининг маҳсулига айланиб боради, бу эса инсон капитални, унинг манбалари тузилиши ва атроф муҳитга таъсирини шакллантириш ҳамда ривожлантириш нуқтаи назаридан илмий тадқиқоқлар вазифасини мураккаблаштиради;

- рақамли технологиялар таъсири остида ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши, шубҳасиз, инсоннинг ўзига хос қобилияти ва шахсий хислатларининг ўзгаришига олиб келади, бу эса келажакда касблар тузилишида чинакам аксини топади ва меҳнат бозори конъюнктураси ҳолатига таъсир этади;

- инсон капитали ўзгариши ва касбий талаблар унификацияланиши кўлами жамият янада прогрессив ҳолатга ўтишининг долзарб ва таъсирли воситалари сифатида жамият институтлари институционал тузилмасининг янги типи ривожланиши билан изоҳланади.¹

Инсон капитали турларини аниқлашга доир турли ёндашувларнинг умумлаштирилиши инсон капиталининг бегоналаштирилган ва бегоналаштирилмаган турли мажмуи сифатида ушбу тоифанинг тузилмасини тасаввур қилиш имконини берди (1-расм).

Таълимнинг рақамли майдони ривожланиши меҳнат бозоридан янги таклифни яратади. Саноатнинг роботлашиши талабни ўзгартиради. Инсон

¹ Ильина Н.Е. Формирование теории человеческого капитала как основы инновационного развития // Вестник ЧитГУ №3 (82) 2012. - С. 111-112.

капиталига қўйиладиган инвестициялар молиявий қўйилмалар бўлибгина қолмайди.



1-расм. Инсон капитали тузилмаси¹

Ўзини ўзи ривожлантириш ва ноёб ҳамда рақобатбардош малака моделини яратиш учун инсон кўп ҳаракат қилиши керак. Макро ва мезоиктисодий кўламда малака ёндашуви профессионал тармоқ малака талабларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш орқали шакллантирилади, унда олий ўқув юртлари ва университетлар меҳнат бозори эҳтиёжларини асос қилиб олади ва уларга мувофиқ ўз ўқув дастурларини яратади.

Рақамлаштириш таълим, бизнес ва жамият соҳаларининг технологик, инсоний, инновацион ресурсларини бирлаштиради, интеграция қилади ва синтез қилади. Натижада, таълим хизматларининг инновацион шакллари пайдо бўлади, уларни бутун умри мобайнида ўз инсон капиталини такомиллаштириб, бутун меҳнат фаолияти давомида олиш мумкин. Экспертларнинг баҳолашича, таълим бозорининг рақамли қисми барқарор ўсиб бориш билан ифодаланади ва 2023 йилга келиб, ўртача йиллик 17 фоизга ўсганда қарийб 240 млрд. долларни ташкил этади. Фақатгина олий таълим бўйича 2017-2021 йилларда жаҳон бозори 20 фоизга ўртача йиллик ўсади.²

¹ Ўрганиш асосида муаллиф ишланмаси.

² Дятлов С.А., Ханхунова А.Ю. Особенности трансформации системы воспроизводства человеческого капитала в цифровой экономике // Известия СПбГЭУ. 2019. №2 (116). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobnosti-transformatsii-sistemy-vosproizvodstva-chelovecheskogo-kapitala-v-tsifrovoy-ekonomike>

Инсон капитали назарияси олдида миллий, минтақавий ва маҳаллий миқёсда уни миқдорий баҳолашдан иборат янги вазифа туради. Бунда рақамли технологиялар ҳолис статистик ҳисоб юритишнинг кенг имкониятларини очади, бу меҳнат бозорини ривожлантириш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқур ўрганиш ва тушуниш имконини беради.

Инсон капитали моҳияти ва роли бўйича илмий қарашлар ва концепцияларни ривожлантиришнинг эволюцион жиҳатларини назарий ўрганиш бу тоифа ҳозирги замон тарихида кузатилаётган технологик инқилоблар таъсири остида қандай ўзгараётганлигини тушуниш имконини берди. Технологиялар ривожланиши, профессионал-малака тузилмаси мураккаблашиши билан янги технологиялар таъсири остида инсон капиталининг миқдорий ва сифат мезонлари аҳамиятининг ошиши аниқланди.

Инсон капитали таркибий жиҳатларининг рақамли иқтисодий ривожлантириш шартларига мос келадиган қуйидаги хусусиятлари аниқланди ва таҳлил қилинди: ташкилий, ижтимоий, интеллектуал ва жисмоний. Таклиф этилаётган тасниф асосида меҳнат бозори конъюнктурасининг муҳим элементига – унинг мувозанатли нархига, бошқача айтганда, иш ҳақи даражасига таъсир кўрсатадиган омиллар мажмуи сифатида инсон капитали тадқиқ этилди.


Ўтказилган таҳлилга ҳулоса ясаб, инсон капитали тоифаси моҳиятининг қуйидаги таърифи шакллантирилди: “Инсон капитали – бу ҳозирги замондаги кишининг ўз жисмоний кучи ва саломатлигидан, билимлари, профессионал малака кўникмаларидан, маънавий-ахлоқий принципларидан ҳамда оилада таълим ва тарбия олиш жараёнида шаклланган ижтимоий алоқалардан фойдаланиб, жамият учун фойдали маҳсулот яратиш, ана шундай фаолият билан шуғулланиш имкониятлари ва қобилиятлари моҳиятининг тизимли ифодасидир”.

Шундай қилиб, инсон капиталини шакллантириш, жамлаш ва яратишнинг назарий модели шакллантирилиб, унинг асосида қуйидаги ҳулоса шакллантирилди: иқтисодийнинг кенг қўламли рақамлаштирилиши янги касблар яратиши туфайли инсон капиталини яратишга бўлган ёндашувни ўзгартиради, чунки институционал ва демографик омилларга эътибор қаратилган ҳолда, меҳнат бозори ривожини ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини прогнозлари билан боғлиқ ҳолда унинг таҳлили аҳамияти ошади. Олинган ҳулосалар асосида институционал муҳитнинг самарадорлиги инсон капитали ривожига трансакцион харажатлар ҳажмининг камайиши билан баҳолалиши мумкинлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Иқтисодий инновацион ривожлантиришга ўтказиш шароитида Ўзбекистон меҳнат бозорида инсон капитали ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг тузилиши хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида инсон капиталини ривожлантириш шартлари сифатида таълимнинг замонавий тизимини ривожлантириш концепциялари тадқиқ этилди, демографик омилларнинг инсон капитали ривожланиши суръатига таъсири прогнози шакллантирилди ва унинг меҳнат бозорининг барқарор ва мувозанатли ривожланиши билан ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, таълим контенти сифатининг, таълимнинг моддий-техник таъминоти ва кадрлар таркибининг етарли даражасида эмаслиги Ўзбекистонда инновацион ривожланишни секинлаштирмоқда.

Масалан, таълим соҳасига инвестициялар ҳажми Япония, АҚШ, Малайзия ва Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатлардагидан 10-12 баравар паст (2-расмга қаранг).




2-расм. Ўқувчи учун таълимнинг тўлиқ даврига инвестициялар ва қўшилган қиймат шаклидаги фойда¹

Шу билан бирга, қайд этиш лозимки, меҳнат бозори тузилиши яқин истикболда, агар меҳнат бозори талаб қилаётганидек, Ўзбекистон олий таълими соҳасида ихтисосликларнинг моддий-техник салоҳиятини оширишга ва рўйхатини кенгайтиришга қаратилган туб чора-тадбирлар қўрилмаса, деярли ўзгармайди. Диаграмма кўрсатаётганидек, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши учун зарур бўлган муҳандислар, техник мутахассислар ва бошқарув кадрлари етишмаяпти. (3-расмга қаранг).

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг табиий ўсиш жараёни икки хил хусусиятга эга: бир тарафдан, самарали фаолият кўрсатаётган бозор иқтисодиёти шароитида у ишчи кучи яратиш эҳтиёжини қондиради, бошқа тарафдан эса катта миқдорда банд бўлмаган аҳоли контингентининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин².

¹ Манбалар: World Bank Open Data, United Nations Department of Economic and Social Affairs Population Division 2017, OECD

² Абдурахманов К.Х., Зокирова Н.К., Шоюсупова Н.Т., Габзалилова В.Т., Абдурахманова Г.К. Формирование и совершенствование политики занятости населения в малом бизнесе и частном предпринимательстве. Монография. – Т.: «Иқтисодиёт», 2013. - С.52.



3-расм. Меҳнат бозорини мутахассисликлар бўйича тўлдириш прогнози¹

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йилдаги ҳисоботлари асосида тузилган Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ўртача йиллик сони ўсиши прогнози меҳнат ресурслари сони прогнози билан таққосланганда илдам ўсаётганлигини кўрсатди, бу эса инсон капиталини ривожлантириш шарт-шароитларини такомиллаштириш асосида бандликни оширишга доир чора-тадбирлар кўриш зарурлигини англатади. (4-расмга қаранг).


Иқтисодий фаол аҳоли сони прогноз кўрсаткичларининг меҳнат ресурслари сони ўсиши суръати билан таққослаш бошланган ўн йилликнинг ўрталарига келиб, таълим, тиббиёт тизимини ривожлантириш ҳамда Ўзбекистонда инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантиришнинг бошқа ижтимоий шарт-шароитларини яратиш ҳисобига, иқтисодий фаол аҳоли кўпайиши натижасида ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги тафовутнинг камайиши тенденцияси қайд этилганидан дарак беради.

Таълим ва тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятини оширадиган, шунингдек, иш қидириш, иқтисодиётнинг реал секторида юзага келган конъюнктура, иш ҳақининг ўртача даражаси ҳақида ахборотни тезда излаш имкониятини яратадиган рақамли технологиялар, ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлар тизими бу масалада муайян аҳамият касб этади. (5-расмга қаранг).

¹ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йилдаги ҳисоботлари маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқилди.



4-расм. 2025 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари сони динамикаси билан таққослаганда иқтисодий фаол аҳолининг ўртача йиллик сони прогнози, млн. киши¹




5-расм. 2025 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида ишсизлар ва ишга жойлашишга муҳтож шахслар сони динамикаси прогнози²

¹ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йилдаги ҳисоботлари маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқилди.

² Шу ерда.

Ўтказилган тадқиқот инсон капитали ривожланиш даражасининг демографик (миқдорий) омилларга, балки бугун миллий иқтисодий тизимларни рақамлаштириш ва инновацион ривожлантириш даражасини белгилаб берадиган ишлаб чиқариш кучларининг ҳолатига ҳам боғлиқлигини яққол кўрсатди.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2019 йилда муаллиф иштирокида ўтказилган жамоатчилик фикри сўрови натижалари жамият мамлакатимизда маълумотлилик ўсишининг умумий даражасини юксак баҳолаётгани кўрсатди. Жумладан, сўровнома иштирокчилари 70,5 фоизининг фикрича, мамлакат фуқароларининг маълумотлилик даражаси кейинги 10 йилда сезиларли даражада ошган. Бу кўрсаткич 2010 йилдаги шундай кўрсаткичдан 5,9 фоизга ва 2019 йилдаги кўрсаткичдан 21,5 фоизга кўп (6-расмга қarang). Сўровда маълумотлиликнинг умумий даражасини баҳолашда сўровда қатнашган шаҳарликлар қишлоқ аҳолисига нисбатан танқидий муносабат билдирганлиги аниқланди. Масалан, агар шаҳарликларнинг 67,3 фоизи “мустақиллик йилларида маълумотлилик даражаси ошди”, деган бўлса, қишлоқ аҳоли орасида бундайлар 72,3 фоизни ташкил этди. Шаҳарликлар 20,2 фоизининг ва қишлоқ аҳолиси 18,8 фоизининг фикрича, мамлакатимиз фуқароларининг маълумотлилик даражасида жиддий ўзгариш бўлмади.



6-расм. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижалари¹

(“Сизнингча, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим даражаси қай даражада ўзгарди?” деган саволга респондентларнинг жавоблари, сўраб чиқилганлар сони фоизда).


Технологик юксалиш ва инсон капиталининг тегишли даражасини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган истикболли инвестиция қарорлари қабул қилиш учун мақбул ахборот базаси, меҳнат

¹ “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази.

бозори таҳлилининг минтақавий хусусиятлари ва инсон капитали камолотининг институционал шарт-шароитларини акс эттирадиган замонавий кўрсаткичлар мажмуаси зарур, улар иқтисодий-математик моделлар ёрдамида таҳлил қилиниши керак.

“Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида инсон капиталини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” деб номланган учинчи бобда Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришга доир стратегик ёндашув императивлари шакллантирилган, Ўзбекистон меҳнат бозорида инсон капиталининг талаби ва таклифи ўртасидаги мувозанатнинг иқтисодий-математик модели асосланган, шунингдек, минтақавий меҳнат бозорида инсон капитали ривожланиши даражасини мониторинг ва прогноз қилиш механизми шакллантирилган.

Ҳозирги вақтда шакллантирилган инсон капитали иқтисодиётнинг юқори малакали рақамли кадр ресурсларига бўлган эҳтиёжининг ўндан бир қисмини ҳам қопламайди. Ушбу параметрнинг халқаро таққосланиши муаммонинг долзарблигидан дарак беради (7-расмга қаранг).



7-расм. Банд бўлган аҳоли орасида рақамли технологиялар бўйича мутахассислар улуши, %¹


(*Миср, Қатар, Кувайт, Ливан, БАА, Уммон, Саудия Арабистони **Буюк Британия, Германия, Испания, Италия, Норвегия, Франция, Швеция)

Қуйидагилар асосида БМТ Тараққиёт дастури методикаси бўйича инсон камолоти индекслари таҳлил қилинди ва ҳисоблаб чиқилди²: аҳоли турмуш даражаси индекси, аҳоли жон бошига Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ), рақобатбардошлилик индекси ва инфратузилмани ривожлантириш индекси.

¹ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги материаллари <https://www.gazeta.uz/ru/2018/10/18/digitalization/>; Oxford Economics; Бюро трудовой статистики США, Росстат.

² Давыдова З. Регионы Узбекистана. Инфраструктура. Конкурентоспособность. Качество жизни // Экономическое обозрение, 2009, №5-6. - С. 52-56.

Таҳлил натижалари турмуш даражаси, таълим ва технологиялар ривожланиши бир-бирига тўғридан-тўғри боғлиқлигини янада бир бор кўрсатди. Масалан, ушбу кўрсаткичларнинг энг юқори даражаси Тошкент шаҳрида, Навоий вилояти ва Бухоро вилоятида қайд этилди. Аҳоли жон бошига Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) нинг энг паст қиймати Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Сурхондарё вилоятларига тўғри келади. (8-расмга қаранг).



8-расм. Ўзбекистон ҳудудларида турмуш даражаси¹

1. Тошкент шаҳри; 2. Навоий вилояти; 3. Бухоро вилояти; 4. Андижон вилояти; 5. Фарғона вилояти; 6. Сирдарё вилояти; 7. Қорақалпоғистон Республикаси; 8. Тошкент вилояти; 9. Самарқанд вилояти; 10. Наманган вилояти; 11. Хоразм вилояти; 12. Жиззах вилояти; 13. Қашқадарё вилояти; 14. Сурхондарё вилояти.

Шундай қилиб, ўтказилган мантикий таҳлил Ўзбекистоннинг инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш миллий стратегиясини яратиш мақсадга мувофиқлигини исботлайди. Бизнинг фикримизча, стратегия қуйидаги таркибий қисмларга эга бўлиши керак:

1. Таълимда ислохотларни институционал ва норматив-ҳуқуқий таъминлаш Ўзбекистон фуқаролари турмуш даражасини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳисобга олган ҳолда бандлик ва меҳнат муносабатларини таъминлаш тизимидаги ислохотлар билан келишилган бўлиши керак.

2. Стандартларни модернизациялаш ва замонавий таълим контентини яратиш суръатларини сақлаш, уларни тармоқ малака талаблари билан мувофиқлаштириш таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим омили ҳисобланади.

¹ Муаллиф томонидан ўрганиш асосида ҳисоблаб чиқилган.

3. Ишлаб чиқаришда замонавий модернизация жараёнлари мунтазам юз беради, бу эса доимий ўқитиш ва малакани оширишни талаб қилади. Сунъий интеллектга асосланган принципаал жиҳатдан янги технологияларнинг пайдо бўлиши ходимлардан универсал рақамли кўникмаларни ўзлаштиришни талаб қилади. Иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилиши молиявий саводхонликка янги кучли талаблар қўяди, улар замонавий мутахассис рақобатбардошлилиги хусусиятлари мажмуасини тўлдиради. Шу муносабат билан инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш стратегиясида янги форматдаги мутахассисларнинг профессионал, рақамли ва молиявий кўникмаларига талаблар бўлиши керак.

4. Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикликнинг ривожланиши, унинг таълимдаги ислохотларни инвестициялар билан таъминлаш муҳимлиги нуқтаи назаридан шиддат билан ривожланиши нафақат янги типдаги инсон капиталини шакллантириш жараёнининг технологик таркибий қисмига, балки келишилган таълим стандартлари ва дастурларини яратишда самарали ҳамкорликка қаратилган бўлиши керак.

5. Янги ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши, янги бозорлар, шу жумладан, таълим ресурслари бозори ва меҳнат бозори шаклланишини таъминлайдиган рақамли ресурслар ва платформалар яратиш Ўзбекистонда рақамлаштиришни ривожлантиришнинг йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараён таълим тизимининг иш берувчилар сектори билан ҳамкорлигини енгиллаштиради, бироқ тегишли норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши ва инсон капиталини шакллантириш жараёнининг барча иштирокчиларига ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқли шарт-шароитлари таъминланиши зарур.

6. Университет ва хусусий таълим ресурслари ҳамда дастурларини ўқитишнинг, бирлаштиришнинг тадбиркорлик ташаббусига асосланган янги шакллари ва тузилиши ҳам мамлакатнинг норматив-ҳуқуқий майдонида тартибга солинган бўлиши керак.

Тадқиқот натижалари кўрсатганидек, умуммиллий ва минтақавий миқёсда меҳнат бозори динамикасини ўрганиш ва прогнозлаштириш мақсадлари кўлами бугун анча кенгайди. Мамлакатнинг модернизацияси катта ва манзилли инвестицияларни талаб қилади. Меҳнат бозори прогнозларининг роли мамлакат инсон капиталини ривожлантириш бўйича инвестициявий ечимларни ахборотлар билан таъминлашдан иборат.

Таклиф этилган ёндашув меҳнат бозори тузилишини таҳлил қилишга асосланган ва мавжуд номуносаблик сабабларини аниқлашни, кейинчалик динамикани прогнозлаштириш ҳамда бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида мувозанатлашган вазиятни яратиш бўйича сценарийлар ва тадбирлар ишлаб чиқишни кўзлайди.

Инсон капиталининг шаклланиши босқичма-босқич юз беради. Таҳсил олаётган ёшлар ўз касбий кўникмалари ва малакаларини аста-секин шакллантириб, пировардида, салоҳиятли ишчи кучи ёки потенциал ходимлар мақомини олади, меҳнат бозорида фаол ва фаол бўлмаган иш изловчиларга айланади. Бошқача айтганда, улар меҳнатга лаёқатли ёшдаги, бироқ маълум ва

номаълум вақтдан кейин жамият ишлаб чиқаришида банд бўлмаган мамлакат аҳолисининг бир қисмини ифодалайди. Меҳнат бозорини мутаносиб ривожлантириш омили сифатида инсон капиталини шакллантириш роли ва шарт-шароитларини ўрганиш диссертация ишида ўтказилган тадқиқотнинг мақсадли жиҳати ҳисобланади. Шу сабабли меҳнат бозорида муайян касбий-малака талабларига мос келадиган банд бўлмаган инсон капиталига биз потенциал ходимлар сифатида қараймиз, бу мазкур тушунчани бир шаклга келтириш ва уни шакллантириладиган моделга киритиш имконини беради.

Шундай қилиб, потенциал ходимлар сонини иқтисодий фаол аҳоли ($LA(t)$) ва ишсиз аҳоли ($E(t)$) ўртасидаги фарқ сифатида баҳолаймиз. Таълим тизими олинган малакалар барча ёшдаги даъвогарларнинг ўзини иқтисодий фаол ўзини тутишга қизиқтириш учун таълим хизматлари сифатининг етарлича даражасига эга деб тахмин қилинади. Айти вақтда, кўшимча таълим хизматлари тизими улардан имкон қадар фойдаланиш мумкинлигини таъминлаши керак, бу эса имкон қадар кўпроқ меҳнатга лаёқатли аҳоли иқтисодий фаол бўлишини таъминлаш имконини беради. Шундай қилиб, потенциал ходимлар сони формуласи ($PE(t)$) қуйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин:

$$(PE(t)) = (LA(t)) - (E(t)) \quad (1.)$$

Демографик дивиденд фонида инсон капитали ўсиши ҳисобига потенциал ходимларнинг миқдорий кўрсаткичлари ўсиши ва меҳнат бозорида юқори технологик корхоналар эҳтиёж сезадиган касблар ўсиши ҳақида фикр юритиш мумкин. Бу жараёнларни пропорционал орттирмалар кўринишида шакллантириш келтириш мумкин: $\beta_1 = \mu PEVSdt$ и $\beta_2 = \mu PEVSdt$. Шунда dt вақт давомида бу кўрсаткичлар қуйидагича ўзгаради:

$$\begin{cases} dPE(t) = \varepsilon_0 PE(t)dt + \mu PEVSdt \\ dVS(t) = \varepsilon_1 VS(t)dt + \mu PEVSdt, \end{cases} \quad (2.)$$

бу ерда μ – инсон капитали ва меҳнат бозорининг ўзаро боғлиқ ва пропорционал ўзгаришларини акс эттирадиган параметрдир.

Ушбу тенгламанинг талқин этилиши иқтисодиётда инсон капитали ўсиши боғлиқлигини ва натижада, вакансиялар камайишини акс эттиради. Бунда қолган вакант жойлар ва потенциал ходимлар ўртасида мутаносиблик сақланади.

Моделнинг тасдиқланганлиги меҳнат бозори ва демография динамикаси бўйича расмий статистиканинг ҳақиқий маълумотлари билан таққослаш асосида текширилган, бу эса инсон капитали ва меҳнат бозорининг ўзаро боғлиқ ривожланишини прогнозлаштиришда амалий қўллаш имкониятидан дарак беради.

Таклиф этилаётган моделни қўллаш ва ривожлантириш кейинчалик Ўзбекистон ҳудудлари ва иқтисодиёти тармоқлари кесимида назарда тутилади. Масалан, минтақавий меҳнат бозорида ёки тармоқда вакансиялар касбий тузилишини таҳлил қилиш ва уларнинг кўплигини аниқлаш мумкин: VS_1, VS_2, \dots, VS_n . Бунда n таҳлил вазифаларига қараб, муайян фаолият турида, касбда, тармоқда, минтақада вакант ўринлар сони бўлиши мумкин.

PE ва VS кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, потенциал ходимларни демографик кўрсаткичлар ва таълим даражасига қараб табақалаштириб, тадқиқотни уларнинг инсон капитали тузилмасига қаратиш мумкин: PE_1, PE_2, \dots, PE_m , бунда: m – потенциал ходимлар, талабга эга, бироқ ҳали банд бўлмаган инсон капитали ташувчилари гуруҳларининг сони.

Прогнозлар аниқлигини ошириш мақсадини кўзда тутиб, олинган хулосалар доирасида ахборот базасини такомиллаштириш ва демографик белгилар ва таълим даражаси бўйича вакант ўринларни табақалаштириш нуктаи назаридан статистик таҳлилда меҳнат бозори тузилмасини табақалаштириш тавсия этилади. Меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг нарх ва нарх бўлмаган омилларини мунтазам статистик ўрганиш зарур. Бу борада таклиф этилаётган моделдан амалий ҳисоб-китобларда фойдаланиш мумкин, чунки унда меҳнат бозорида вакант ўринлар ҳаракати ва инсон капитали даражаси ҳақида маълумотлар энг тўлиқ ҳисобга олиниши мумкин.

Методиканинг ўзига хос жиҳати унинг меҳнат бозорида иқтисодий фаолият турлари бўйича табақаланишда инсон капитали тузилмаси ва ўзгариши динамикаси таҳлилинини сифатли ахборот билан таъминлашга қаратилганлигидадир. Айни вақтда, меҳнат бозорининг муайян сегментларида кадрлар тақчиллигининг олдини олиш ёки уни бар்தараф этиш чоратадбирлари касбий ва ҳудудий меҳнат мобиллигининг институционал механизмларига киритилган бўлиши керак.

Меҳнат ресурслари балансини шакллантиришда тармоқ, минтақавий ва касбий-малака нуктаи назаридан ишчи кучи ўзгариши ва ишчи ўринлари модернизацияси омилларини ҳисобга олиш таклиф этилади. Бошқача айтганда, меҳнат ресурслари балансига эришиш бўйича қарорларни самарали излаб топиш учун касблар классификаторлари позицияларига мувофиқ меҳнат бозорини мақбул тарзда сегментларга бўлиш зарур.

Инсон капитали ривожланишини ўрганиш вазифалари демографик ва касбий-малака параметрларини акс эттирадиган миқдорий ва сифат кўрсаткичларидан иборат. Меҳнат бозорини ўрганиш учун алгоритмда талаб ва таклиф балансини акс эттирадиган конъюнктура индикаторлари назарда тутилган.

Таклиф этилган механизм ва баҳолаш коэффицентлари тизими бугун меҳнат бозорининг ва инсон капиталини шакллантиришнинг шунга ўхшаш муаммолари бўйича илмий адабиётларда келтирилган ишланмалардан уларни ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятига эга, у таклиф этилган моделлар ва усуллар ёрдамида меҳнат бозорини синчиклаб таҳлил қилиш ҳамда бу ҳолатни белгилайдиган ички ва ташқи жараёнларнинг холис қиёфасини шакллантириш имкониятидан иборат.

Бизнинг фикримизча, инсон капитали ривожланиш даражасини прогнозлаштириш ва меҳнат бозори ривожига унинг ролини ошириш учун қуйидаги ахборот мақсадга мувофиқ:

- ҳудуд иқтисодиётида банд бўлганлар ўртача йиллик сонининг мулкчилик шакллари ва иқтисодий фаолият турлари кесимида тузилган кўрсаткичлари;

- ишсизлар, шунингдек, бизнес тугатилиши ёки штатлар қисқартилиши сабабли ишдан бўшатирилганлар сонининг таълим даражаси ва демографик белгилар бўйича тузилган расмий кўрсаткичлари;

- маълумоти даражаси, касби ва малакаси бўйича ишсизлар, шу жумладан, имконияти чекланган инсонлар, шунингдек, узоқ танаффусдан кейин иш топишга ҳаракат қилаётганлар ёки меҳнатга лаёқатли ёшга етганлар ёхуд пенсияга чиққан, бироқ меҳнат фаолиятини тиклашни хоҳлаётганлар сони ҳақидаги дифференциациялашган маълумотлар. Бу ерга қолган барча тоифаларни ҳам киритиш мумкин. Иш излаётган, бироқ зарур малакага эга бўлмаган ва ўқитишга ҳамда қайта ўқитишга мухтожлар.

